МЕҲР ВА МУРУВВАТ ЙИЛИГА БАҒИШЛАНДИ 2-бет

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ 3-4-5-бетлар

ЗИЙРАК БОБО НИМА ДЕЙДИ? 6-бет

ТАБИАТ АЖОЙИБОТЛАРИ 8-бет

КУТУБХОНАСИ

ЖУМА

# Тошкент оқшоми

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 97 (10.150) / 2004 ЙИЛ 21 МАЙ



Шаҳримизда олиб борилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишларида «Муҳандис» қурилиш фирмаси қурувчилари ҳам муносиб ҳисса қўшишмоқда. Улар қураётган бинолар сифати ва кўркамлиги билан ажралиб туради.

**СУРАТДА: пайвандчилар бригадаси сардори Шавкат Шарифбоев ишда сифатга эътибор қаратади.**

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### ҚИСҚА сатрларда

● **АЛИШЕР** Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг 14-сессиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чораларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

● **ИБН** Сино жамғармаси, «Адолат» социал демократик партияси, Тошкент шаҳар «Оила» маркази ҳамкорликларида «Соғлом турмуш тарзи — репродуктив саломатлик гарови» мавзуида ташкил этилган тадбирда кам таъминланган оилалар аъзоларига «Венофер» препарати туҳфа этилди.

● **КЕЧА** Ўзбекистон миллий боғида «Эл-юрт тинчлиги ва саломатлиги учун» шиори остида ўтказилаётган Оилавий спорт марафонининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

● **«ИНТЕРКОНТИНЕНТАЛ»** меҳмонхонасида Корейс тўқимачилик савдо уюшмаси корхоналарида тайёрланаётган маҳсулотлар кўргазмаси ташкил этилди.

● **ЧИЛОНЗОР** туманида туман ҳокимлиги, туман меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими ҳамкорликларида бўш иш ўринлари ярмаркаси уюштирилди.

● **«ЎЗБЕКТЕЛЕФИЛЬМ»** студиясида Бухоро, Хоразм, Фарғона вилоятлари миллий ҳунармандчилиги фаолияти ҳақида яратилган ҳужжатли фильмлар тақдимоти бўлиб ўтди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат консерваториясида бўлиб ўтган мусиқий кеча моҳир ғижжакчи, устоз санъаткор Мурод Тошмуҳамедов ижодига бағишланди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

## ДУНЁ ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ

***Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг шу йил март ойи охирида мамлакатимизда содир этилган террорчилик хуруж муносабати билан Олий Мажлис ўн тўртинчи сессиясида қилган сермазмун ва долзарб маърузаси хорижий давлатларда катта қизиқиш уйғотди. Кўплаб мамлакатлардан келаётган мактубларда тинчлик ва осойишталик, Ўзбекистон халқи ва дунёдаги барча халқларга қарши қаратилган мазкур жиноий ҳаракатлар кескин қораланади.***

Европалик экспертларнинг фикрича, Ўзбекистон ташқаридаги ёвуз кучлар томонидан ташкил қилинган ва мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш, демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги саъй-ҳаракатларни издан чиқаришга қаратилган террористик ҳужумларга дуч келди.

Европа парламенти ноевропа мамлакатлари билан алоқалар бўйича парламентлараро делегацияси бўлим бошлиғи Даниел Куменер бўлиб ўтган воқеаларга нисбатан Ўзбекистон Президенти нутқида берилган баҳо мамлакат раҳбарияти танлаган йўл ҳамда амалга ошираётган ислоҳотлар тактика ва стратегияси қатъийлигидан далолат беради, дея таъкидлаган.

ГФР ижтимоий-сиёсий доиралари Ўзбекистон терроризмга қарши курашда тутган йўлни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга лойиқ, дея баҳолайди.

— Ўзбекистон ва Германия ўртасида терроризмга қарши кураш соҳасидаги мавжуд шериклик стратегик аҳамиятга эга, - дейди ГФР мудофаа вазирлиги давлат котиби Ҳанс Георг Вагнер. — Ўзбекистоннинг терроризмга қарши туриш ва Ўрта Осиё минтақасидаги аҳволни барқарорлаштириш бўйича амалга ошираётган ишларини биз ҳар томонлама қўллаймиз.

Германиянинг "Дипломатик курьер" журнали муҳаррири К.Эрдих минтақадаги вазиятни таҳлил қилиб, шундай дейди: "Менимча, Ўзбекистонда содир этилган сўнгги террорчилик хуружлари битта занжирнинг алоҳида олинган ҳалқасидир, уларнинг мақсади эса бутун дунёда умидсизлик ва саросима кайфиятини уйғотишга қаратилган. Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги барқарор давлат эканлигини назарда тутсак, террорчиларнинг нияти нимадан иборат бўлганини англаш қийин эмас. Терроризмга қарши курашнинг бугунги аҳволи ўзига нисбатан катта эътибор ва уюшқоқликни талаб этаяпти. Жамоавий ҳаракатларсиз буни тасаввур қилиб бўлмайди. Ислом Каримов айнан шу нарсага эътиборни жалб қилмоқда".

Мисрда нашр этиладиган ва И.А.Каримов Олий Мажлис депутатлари ҳузуридаги нутқида тилга олган "Ас-Сиёсий" газетаси Ўзбекистон Президенти маърузаси араб оммавий ахборот воситаларида катта эътибор қозонганини хабар қилади. Мазкур нашр террорчиларнинг варварона ҳаракати мамлакат раҳбарияти ва Ўзбекистон халқини янада жипслаштирганини таъкидлаган.

Мисрнинг нуфузли билим даргоҳи - "Ал-Азҳар" университетининг таниқли исломшунос олими Муҳаммад Тантавий террорчи ва экстремистик гуруҳлар "жиҳод"га даъватни ўзларига ниқоб қилиб олиб, ушбу муқаддас тушунчанинг моҳиятини тўлалигича бузаётгани ва ўз ғараз мақсадларига эришишга интилаётганига эътиборни қаратган.

Ўзбекистон Президентининг маърузаси Озарбойжонда ҳам юқори баҳоланди. "Машварат мажлиси" блокига бирлашган сиёсий партиялар вакилларининг таъкидлашича, "терроризм жабрини бир неча маротаба бошидан ўтказган озарбойжон халқи Ўзбекистон раҳбари ҳис қилаётган ички кечинмалар ва ушбу вабога қарши курашда бирлашиш бўйича чақирувларига қўшилади". Таниқли озарбойжон ёзувчиси Чингиз Абдуллаев эса қуйидаги фикрларни алоҳида қайд этган: "Ўзбекистонда терроризмга қарши кураш 11 сентябрь воқеаларидан анча аввал бошланган эди. Агарда сўнгги йилларда жанубдан келаётган хавф-хатарга Ўзбекистон қатъий ҳаракатлар билан қарши турмаганида минтақа давлатлари, Озарбойжон қанчалик кутилмаган кўнгилсиз воқеаларни бошдан кечириши мумкин эди".

Ўзбекистонда содир этилган террорчилик ҳаракатлари Исроилдаги Марказий Осиёдан келганлар жамиятлари Ассоциацияси аъзолари томонидан ҳам қатъий қораланди. Бегуноҳ қурбонлар олиб келадиган терроризм оқибатларини яхши биладиган ватандошлар Ўзбекистон раҳбариятининг жиноятчи гуруҳларга қарши ҳаракатларини қўллаб-қувватлашмоқда.

**"Жаҳон" АА**

## ХХI аср садоси

**Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар**

### Мамлакатимизда

**● Ўн бешга яқин бадиий этнографик фольклор дасталари, халқ ҳунармандчилиги вакиллари иштирок этган «Бойсун баҳори» III очиқ халқаро фольклор фестивали ниҳоясига етди.**

**● Бухоро вилояти пиллакорлари қабул пунктларига 2 минг тоннадан ошиқ олий сифатли «кумуш тола» топширган ҳолда давлатга пилла топшириш шартномавий режасини бажардилар.**

**● Сурхондарё вилоят ҳокимлигида қишлоқ хўжалиги масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

**● Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Интернет-марказ ўз ишини бошлади. Эндиликда китобхонлар нафақат мамлакатимиздаги, балки АҚШ, Буюк Британия, Россия, Малайзия каби давлатлардаги электрон кутубхоналарнинг ҳам аъзолари бўлишлари учун имконият пайдо бўлди.**

**● Нарпай туманидаги 30-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчилари компьютер синфи билан таъминланди.**

**● Жиззах шаҳрида табиат музейи иш бошлади.**

**● Сурхондарё вилояти, Музработ туманидаги 44-ўрта мактаб жамоаси «Сиз тарихни биласизми?» кўрик-танловининг республика босқичида ғолиб чиқди.**

### Жаҳонда

**● Чеченистоннинг собиқ матбуот ва ахборот вазири ва Грозний шаҳрининг собиқ мэри Бислан Гантамиров Чеченистон президентлигига муддатидан олдин ўтказиладиган сайловларда ўз номзодини қўйиш ниятини билдирди.**

**● БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши Яқин Шарқ борасида янги резолюция ишлаб чиқди. Унга кўра Исроил ҳукумати Ғазо секторида фаластинлик аҳоли турар жойларини вайрон қилишдан ўзини тийиши ва ушбу ҳудудда ҳеч қандай ҳарбий амалиётларни олиб бормаслиги лозим.**

**● Литва бош прокуратураси ўз мансабини суиистеъмол қилиш ва давлат сирларини фош этишда айбланган мамлакатнинг собиқ президенти Роландас Паксас устидан жиноий иш қўзғади.**

**● Афина полицияси сапёрлари Греция пойтахтидаги бош олимпия мажмуасидан деярли 1 километр нарироқда ўрнатилган портловчи қурилмани топиб, уни зарарсизлантиришди.**

**● Россиялик чегарачилар Душанбедан 320 километр узоқликда жойлашган Хоруг чегара бўлинмаси участкасида катта миқдордаги ўқ-дорилар сақланаётган махфий омборни топишди.**

## Сўранг, жавоб берамиз

**Ишга кирувчи барча ходимлар ёки бир корхонада 10-20 йилдан буён ишлаб келаётган ходимлар билан ёзма равишда меҳнат шартномаси тузиш шартми? Шу ҳақда билмоқчи эдик.**

**Ф.Усмонова,**
**У.Ҳаққулова,**
**ҳамширалар.**

Меҳнат шартномасини тузиш, уни ўзгартириш ва бекор қилиш меҳнат қонунчилиги ҳамда меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Меҳнат шартномаси Ўзбекистон республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги Қонунига асосан 1993 йилнинг 3 декабридан бошлаб республикамиздаги барча корхона ва муассасаларда (мулкчилик шаклидан қатъи назар) ишга кирувчилар билан ёзма шаклда бир хил кучга эга бўлган икки нусхада тузилиши ва ҳар бир тарафга (иш берувчи ва ходим) сақлаш учун берилиши зарур.

Меҳнат шартномасида ишга кирувчи ва ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахснинг келишуви асосида ходимнинг иш жойи, унинг меҳнат вазифаси, яъни мутахассислиги, малакаси, у ишлайдиган лавозим, ишнинг бошланиш куни, агар муддатли меҳнат шартномаси тузилаётган бўлса унинг тугаш куни, меҳнат ҳақи миқдори (разряди), қўшимча меҳнат таътилининг муддати, бериладиган имтиёзлар ва меҳнатнинг бошқа шартлари белгилаб қўйилади.

* * *

**Кейинги йилларда ҳуқуқий саводхонлик ошгани сари, қонунларнинг туб моҳияти ҳақида яхшироқ англаб етилмоқда. Хусусан никоҳ шартномаси ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин. Никоҳ шартномаси ҳақида тўлиқроқ маълумот берсангиз.**

**Бир гуруҳ ўқитувчилар номидан**
**Б.Акмалова.**

Никоҳланувчи эр ва хотиннинг никоҳ даврида ёки никоҳдан ажратилганда уларнинг мулкий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгиловчи келишув никоҳ шартномаси деб аталади. Бу шартнома ўзига хос хусусиятларга эга бўлган ҳуқуқий битим шаклларидан биридир.

Никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олингунга қадар тузилган бўлса, у ФҲДЁ идораларида рўйхатга олинган вақтидан бошлаб қонуний кучга киради.

Никоҳ шартномаси ёзма шаклда тузилади ва нотариал тартибда тасдиқланади. Эр-хотиннинг никоҳ шартномаси тузишга ҳуқуқлари бор, аммо мажбур эмаслар. Шартнома тузишга мажбур қилишга йўл қўйилмайди. Агар никоҳ шартномасини тузмасалар, уларнинг мулкий ва ҳуқуқий муносабатлари қонуний тартибда, белгиланган ҳуқуқий меъёрлар билан тартибга солинади.

Никоҳ шартномаси исталган вақтда ўзгартирилиши, тўлдирилиши, бекор қилиниши мумкин. Аммо уни ўзгартириш, бекор қилиш тўғрисидаги келишув ёзма шаклда бўлиши ва нотариал тартибда тасдиқланиши керак. Никоҳ шартномасидан бир томонлама воз кечишга йўл қўйилмайди.

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган барча масалалар бўйича 133-29-09 телефонига қўнғироқ қилсангиз малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз. Мактуб ёзинг, қўнғироқ қилинг.**







*2004 — Меҳр ва мурувват йили*

# МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ КЎМАК



**Жорий йилимизнинг Меҳр ва мурувват йили деб номланиши боис юртимизнинг ҳар бир гўшасида инсонийликнинг энг эзгу амали бўлмиш меҳр-муҳаббатга ташна инсонларга мурувват кўрсатиш, беминнат ёрдам бериш, хайру-савоб амалларини бажариш каби тадбирлар кўплаб ўтказилмоқда. Беморлар, ёрдамга муҳтож ногиронлар, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, етим-есирларга имкон қадар моддий ва маънавий кўмак берилмоқда.**

Куни кеча Яккасарой туманидаги «Табассум» қаҳвахонасида ҳам мана шундай ибратга молик тадбирлардан бири бўлиб ўтди. Туман ҳокимлиги ва хотин-қизлар қўмитаси, туман «Оила ва аёл» нодавлат, нотижорат маркази ташаббуси билан тумандаги кам таъминланган оилалар ва Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун хайрия-шоу марафони ўтказилди.

— Меҳр ва мурувват йили ҳамда «Оила» кунига бағишлаб ушбу «Хайрия-шоу» марафонини ташкил қилдик, — деди тадбирда сўз олган туман «Оила ва аёл» маркази раиси Раҳима Абдуғаниева. — Мақсадимиз туманимиздаги кам таъминланган, ногирон, боқувчисини йўқотган, туғиш ёшидаги аёлларнинг, бемор қарияларнинг соғлиғини тиклаш, иқтидорли болаларни рағбатлантиришга озгина бўлсада кўмаклашишдир. Ранг-баранг томошалар, шоу-лотерея ўйинлари албатта сизга манзур бўлади деб ўйлайман.

Дарҳақиқат, тадбир давомида янграган дилрабо куй ва қўшиқлар, ютуқли лотерея ўйинлари, ҳомийлар томонидан тузилган чиройли байрам дастурхони барча қатнашчи ва иштирокчиларга маъқул бўлди. Айниқса меҳр ва муҳаббатга ташна бўлган болажонлар ушбу тадбирдан бир олам тассурот олдилар, уларга берилган эсдалик совғалари эса узоқ вақт ушбу тадбирни ёддан чиқармасликларига хизмат қилади десак янглишмаган бўламиз.

**Шаҳризода МУҲСИМОВА**

**СУРАТЛАРДА: «Табассум» қаҳвахонасида бўлиб ўтган «Хайрия-шоу» марафонидан лавҳалар.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

*Тадбирлар*

# МУҚАДДАС ТУЙҒУ

**Куни кеча Акмал Икромов тумани ҳокимлигида Меҳр ва мурувват йилига бағишланган хайрия тадбири бўлиб ўтди.**

Туманда истиқомат қилувчи кам таъминланган оила вакиллари, уруш ва меҳнат фахрийлари, ногирон, кекса инсонлар унга таклиф этилди.

Тадбирда сўз олган туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Азиза Ғиёсова йиғилганларга соғлик-саломатлик тилаб, уларнинг ҳаётда ёлғиз эмасликларини таъкидлаган ҳолда, давлатимиз томонидан олиб борилаётган инсонпарварлик, кенг кўламдаги бунёдкорлик юмушлари ҳақида гапириб ўтди.

Шунингдек, ушбу тадбирда Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамиятининг Акмал Икромов тумани Кенгаши ва «Соғлом авлод» жамғармаси томонидан йиғилганларга дори-дармонлар тарқатилди. Тадбирга ётуғлиги сабаб қатнаша олмаган 9 нафар қарияларнинг уйларида бориб йўқланди.

Туман Қизил Ярим Ой жамияти Кенгаши раиси Сияра Жанбекова бошчилигида беморлар хонадонида бўлиб уларга замонавий ультратовуш аппаратлари билан тиббий ёрдам кўрсатдилар ва зарур дори-дармонларни топшириб, дориларнинг хусусиятлари, қачон ичиш лозимлиги ҳақидаги маслаҳатларини ҳам бердилар.

**Садриддин АЗИЗОВ**

*Таълим*

# ЭНГ ЯХШИ РЕФЕРАТЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

**Ўзбек халқининг бой ўтмиш тарихи талаба ёшлар ўртасида айниқса катта қизиқиш уйғотмоқда. Тошкент Автомобиль ва йўллар институти талабалари ҳам кўҳна меросни пухта ўрганиш йўлида изланмоқдалар.**

Олий ўқув юртида уюштирилган семинар иқтидорли талабалар учун жиддий синов бўлди. Унда изланувчан ёшлар томонидан ёзилган рефератлардан бир нечтаси энг яхши илмий иш деб топилди. Истеъдодли талаба Рустам Усмоновнинг ёзма ишида соҳибқирон Амир Темур даври тангалари ҳақида фикр юритилиб қизиқарли маълумотлар ёритилди. Талаба Ирода Юнусованинг рефератида темурийлар даврининг муҳим саналари таҳлил этилди.

Бу каби рефератлар муаллифлари муносиб тақдирланди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

**Бугунги кунда фан билан ишлаб чиқариш ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этмоқда. Бундай ижобий ҳолни Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти фаолияти мисолида ҳам кўришимиз мумкин.**

# ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРИ

Олий ўқув юртининг муҳандис-иқтисодчи ва кимёвий технология факультети кафедралари ҳам давр талаби асосида иш юритиб, қатор ютуқларга эришмоқдалар.

Ўтган йил факультет жамоаси учун ишлаб чиқариш билан ҳамкорликда ўзига хос янги босқич бўлди. Ўзбекистон Фанлар академияси Иқтисодиёт институти, Тошкент Кимё-технология институти билан яқин алоқа йўлга қўйилди. Плеханов номидаги Москва иқтисодиёт академиясининг Тошкент шохобчаси билан тузилган шартнома ҳам яхши натижа берди.

«Ўзбекқоғозсаноат» уюшмаси, «Бухоротекс» хиссадорлик жамияти кўмагида амалга оширилган техникавий жараёнлар ҳам ўз ижобий самарасини берди.

Бугунги кунда Бектемир тажриба-намуна пахта тозалаш корхонаси билан тузилган шартнома бўйича ҳамкорликнинг янги йўналишларига қўл урилди.

**Акбар АЛИЕВ**

*Кўргазмалар*

# РАССОМ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНДИ

**Ўзбекистон Бадиий академияси Замонавий санъат марказида Ўзбекистон халқ рассоми Зокир Иноғомов таваллудининг 85 йиллигига бағишланган бадиий кўргазма давом этмоқда.**

«Бизнинг мерос» туркумидаги кўргазманинг очилишида рассом Зокир Иноғомовнинг оила аъзолари, яқинлари иштирок этдилар. Халқ рассомининг ижодига, ҳаётига алоҳида тўхталиб, унинг ўзбек рассомчилиги санъатига улкан ҳисса қўшган истеъдодли мусаввир бўлганини таъкидлашди.

Дарҳақиқат, кўп жанрли рангтасвир устаси ижодида инсон ва табиат мавзулари етакчилик қилади. Унинг персонажлари мусаффолик ва соддадиллик билан суғорилган тоғ, чўллардаги беғуборликда яшайди. Ижодкорнинг ҳар доим ва ҳар ерда оддий инсонларга бўлган самимий муносабатини ҳамда халқнинг, ҳаётига улкан қизикишини кўрамиз. Шунингдек, рассом ижодида асосий ўринни этюдлар эгаллайди. У қуёш нурлари ёритиб турган хилват жойлардаги ўзбек ҳовлисининг пахса уйларини, чирой бериб тургувчи яшил кўкаламзорларни ифодалаб берган. Мумтоз кайфият билан ишланган «Саҳродаги қўшиқ», «Чўлпоннинг рафиқаси» каби полотнолари кўпчилигимизга яхши таниш. Бу каби асарларида рассом соддадил ва меҳмондўст қишлоқ инсонларининг ҳаётини намоён этган. Асарларида меҳнатнинг табиий заруратлигини тушунишга ундайди, инсонлар ва табиат нозик бирлигининг улканлиги, инсонлар муносабатидаги гўзаллик, беғуборлик тасвирланади.

Кўргазмада Зокир Иноғомовнинг Бадиий кўргазмалар дирекцияси ва хусусий тўпламларидан муносиб ўрин олган 100 га яқин рангтасвир асарлари намойиш этилмоқда.

**Юлдуз УСМОН**

### Шарқ дурдоналари

## Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● Озарбод қадимий форс ҳакимларидан бўлиб, у ўз ўғлига қуйидагича насиҳат қилади:

— Эй ўғлим, сен доимо мезбон бўлай, одамларни меҳмон қилишга ҳамиша қодир бўлай десанг, меҳмондорчиликда ўртача йўл тут, бирданига бор-шудингни сарфлаб юборма, бировга муҳтож бўлмай десанг қаноат йўлида барқарор тур! Олдимда турган мақсадга етай десанг, доимо интилишда бўл! Дунёда омон бўлай десанг гуноҳ ишлардан узоқ юр, дўстларим кўпайсин десанг тавозеъ ва камтарликни шиор қил! Агар сен дўстларинг билан алоқада бўлсанг, уларнинг иззат-икромини жойига қўйсанг, улар сенинг мададкоринг бўлади.Ёт кишиларга ҳожатинг тушмайди. Қўпол ва бошкесар кишиларга қарз берма, улардан ҳеч қачон қайтариб ололмайсан! Ҳасадчини ўз молу давлатингдан огоҳ қилма, ўз давлатига фахр ва ғурур қилувчи кишилар билан алоқада бўлма! Қайси ишда бўлмасин, ҳийла ва макрни ишга солма, хушомадгўйликдан узоқ бўл! Йўқолган нарсага ғам чекма. Молу давлат бир қушки, ҳар дам ҳар маконга қўнади.

Эй ўғил, шундай кишилар билан дўст тутинки, улар ҳеч қачон сенга хиёнат қилмасинлар. Бундан ташқари, оғирлик кунларида сени танҳо қолдирмасинлар. Молингга мағрур, камбағаллигингга ғамгин бўлмагин! Доно киши шундай кишики, бойликка маст бўлмайди.

● Рум элчисининг Кисродан қимматли насиҳатлар айтишни илтимос қилгани ва Кисронинг жавоби. Кисро айтади:

— Киши доимо яхшилик қилишга ҳарис бўлсин, айниқса ўзига яхшилик қилган кишига яхшилик қилишга уринсин, душмандан доимо эҳтиёт бўлсин, пул ва молга ишонмасин ва суянмасин, ғамдан боши эгилмасин, одамлар айбини юзига солиб, таъна тошини отмасин.

● Афлотун ҳаким айтади:

— Эй одамлар, сўзимни эшитинг, орангизда душманлик ёки адоват пайдо бўлса, уни тинч йўл билан ҳал қилинг!

Кундалик ҳаётингизда зарур бўлмаган нарса учун орзу ва талаб йўлида бўлманг! Билингки, равнақ калити ҳаром ва ҳалолни фарқлай билишда, яъни парҳезгарликдадир. Кишининг ҳақиқий фазилати разил иллатлардан сақланишда билинади. Демак бирбирингизга озор беришдан сақланинг, тилло ва нуқра топишда бир-бирингиздан ўзишга интилманг! Мен қачонки қўлимда олтин-кумуш бўлмаса, ўзимни енгил сезаман.

● Бир киши: «Фалон фақир кечаси май ичиб, беҳуш йиқилиб қопти!» деди. Донолардан бири: «У ўзи асли беҳуш эди. Ҳуши бўлса май ичармиди?» деб жавоб берди.

*Анжуманлар*

# ТИНГЛОВЧИЛАРГА СЕРТИФИКАТЛАР ТОПШИРИЛДИ

***Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида «Қонун ҳимоясида» бирлашган таҳририяти ва Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш маркази ҳамкорлигида «Оммавий ахборот воситаларида суд-ҳуқуқ ислоҳотларини ёритиш ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ҳамкорлик муносабатларини яхшилаш истиқболлари» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.***

Республика Олий хўжалик суди вакиллари, юртимиздаги ҳуқуқий нашрларнинг бош муҳаррирлари, Республика Бош прокуратураси ўқув марказида ташкил этилган семинар тингловчилари, «Қонун ҳимоясида» журнали ва «Ҳуқуқ» газетаси таҳрир ҳайъати ва жамоатчилик Кенгаши аъзолари, ҳуқуқшунос олимлар ва оммавий ахборот воситаларининг ходимлари иштирок этган ушбу анжуманда фуқаролик жамиятида журналистнинг ўрни ва вазифалари, прокуратура органларида ошкоралик тамойилининг қарор топиши муаммолари, мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар ҳақида сўз борди.

Хусусан, анжуман қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари А.Холмаҳматов, «Қонун ҳимоясида» бирлашган таҳририятининг бош муҳаррири А.Абдураззоқов, Республика Олий хўжалик суди раисининг ўринбосари, юридик фанлари доктори Ш.Рўзиназаров, жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман судининг раиси, юридик фанлари доктори, М.Ражабова, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ОАВлар мониторинги ва уларни лицензиялаш маркази бошлиғи Б.Тошев ва бошқалар «Қонун ва қалам билан 8 йил», «Матбуот ва судлар фаолиятининг ошкоралиги», «Ҳуқуқий дунёқарашни шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг роли», «ОАВ ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамкорлиги: муаммо ва семинар» каби қатор мавзулар бўйича сўзга чиқдилар.

Айтиб ўтиш жоизки, долзарб мавзуда бўлиб ўтган анжуман қатнашчилар учун ҳар томонлама фойдали бўлди ва Бош прокуратуранинг Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш маркази директори, 3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси Эркин Абзалов томонидан ўқув машғулотлари тингловчиларига сертификатлар топширилди.

**Шоира МУХАМЕДОВА**

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## МАНМАНЛИК БАЛОСИ

Дам олиш куни оғайнилар билан бир чақчақлашай деб маҳалла гузаридаги чойхонага чиқдим. Чойхона одатдагидек гавжум эди. Қариялар бир томонда, ёш-яланглар бир томонда, қизғин суҳбат, ўйин-кулги давом этарди.

Қадрдонларим давра қурган сўри томон юрдим.

— Эй Зийрак бобо, бормисиз, ишингиз кўпайиб кетди чоғи. Анчадан бери кўринмай қолдиз, — дея, дўстларим кутиб олишди.

Сўридан жой олиб, фотиҳа ўқишимиз билан:

— Хўп, яхши чиқдиз. Бугун Нодирбекнинг набираси Комилбек ўғил кўрибди. Дўстимиз аваралик бўлганини нишонлаб бизга ош қилиб беряпти, — деди ёнимда ўтирган улфатлардан бири.

Ҳорма, бор бўл асносида чойхўрлик бошланди. Бироздан сўнг чойхоначи Мавлон билан Нодирбек чинни лаганларни кўтариб ош сузгани кетишди.

Биз билан яқин сўрида ўтирган ёш-яланглар анча-мунча кайф қилиб қолишди шекилли, овозларини баралла қўйиб бир-бирларига «тош отиб» сўкиша бошлашди. Биз уч-тўрт бор йигитларни тартибга чақирдик. Улар «хўп бўлади» дейишардию, яна бироз муддат ўтиб бизни унутишарди.

— Келинглар, қўйинглар, ёшлар-да, нима қилишса қилишсин. Эътибор берманглар уларга,— деди орамизда кимдир.

Шундай қилдик. Лаганларимиз яримламай йигитлар орасида баҳслашув бошланди.

— Ботир, сен кўп ичма, машинанг бор уни ҳайдаб кетишни ўйла, — деди йигитлардан бирига даврада ўтирган оқ сочли каттароқ ёшдаги киши.

— Вей, нима деяпсиз, қўрқманг, ака. Менга йўл назоратчилари чепуха, — деди эътироз билдириб ўша Ботир деган йигит.

— Вой, ҳали билмайсизми, Ботирнинг мушугини пишт дейдиган ГАИчи онасининг қорнидан туғилмаган. Билмасангиз билиб қўйинг ака, Ботирнинг акаси туман йўл назоратчиларининг бошлиғику, — деди улардан бири.

— Қани Ботирга қуйинглар.

— Пиёла лим-лим бўлмаса ичмайман.

— Ботир тўлдириб ичади.

Улфатлар орасидан кимдир ярим, кимдир ўзини кўрсатиш учун пиёлани тўлдириб ароқ кўтарди. Кейин улар бир-бирларига меҳрибончилик билан газак тутишди. Бир зум чақчақлашишгач Ботир соқийни тезлади.

— Қани қуй.

— Ароқ тамом бўлди.

— Вой, номард, ҳаммаси бўлиб тўрт шиша ароқ кўтариб келибсанда. Йигит киши буни яшиги билан олиб келадида.

— Бўлди, ичкилик етарли бўлди, — деди бояги оқ сочли киши.

— Нимаси етарли, урвоқ ҳам бўлмади-ку бу. Ҳозир ўзим дўконга бориб бир яшигини кўтариб келаман.

Ботир оғайниларининг қаршилигига қарамай, югуриб кетди. Машинаси кабинасига ўтириб балонлардан ўт чақнатиб уни учириб ҳайдади.

Кўп ўтмай, ўрта ёшдаги бир киши йигитлар томон югуриб кела бошлади.

—Мабодо оқ рангли «Нексия» машинаси сизларга қарашли эмасми, йигитлар?

Даврадагилардан бири дарҳол машинанинг рақамини айтиб сўради.

— Ҳа-ҳа, шу рақамли машина.

— Бизга қарашли, тинчликми ўзи?

— Ҳайдовчи йигит болали аёлни уриб юбориб кейин машинасини симёғочга урди. Ҳаммалари оғир аҳволда, тез боринглар, ёрдам бермасанглар иш чатоқ.

Кейинроқ болали аёлнинг касалхонада вафот этганини эшитдик. Ҳайдовчининг ҳам аҳволи оғир дейишди. Ичкиликнинг оқибати, манманликнинг касофати шундай аянчли фожеа билан тугади.

## ТРОЛЛЕЙБУСДАГИ ВОҚЕА

Троллейбусга ёшгина, чиройли аёл, унинг орқасидан бир йигит чиқди. Улар тиқилинчроқ салоннинг ўртасига бориб туришди. Орқа-олдида анча-мунча кекса кишилар туришига қарамай, ўриндиққа бемалол жойлашиб олган бир йигит, шундоққина олдида турган хушрўй жувонни кўрдию, тез ўрнидан туриб унга жой берди.

— Ўтиринг, опажон.

Аёл нотаниш бу йигитнинг беўхшов мулозаматидан бироз хижолатга тушди, қизариб-бўзарди.

— Вой, шунча қариялар туриб нега мен ўтирарканман. Сиз ўтира қолинг бу жойга, отахон, — деди жувон шу яқин атрофда турган қариялардан бирига.

— Раҳмат қизим, тушадиган бекатим яқин. Бошқалар ўтира қолсин, эътироз билдирди у. «Ҳожатбарор» йигит жувонга гап қотди.

— Мен буларга эмас, сизга бўшатдим жойни.

Жувон у билан ади-бади айтишиб ўтиришни эп кўрмай индамай ўша жойга ўтира қолди.

Кўп ўтмай жувоннинг ёнидаги ўриндиқ ҳам бўшади. Шуни кутиб турган экан шекилли «ҳожатбарор» йигит чаққон ўша жойга ўтириб олдида, тилла тишини ярқиратиб жувонни гапга солди.

— Опажон, мумкин бўлса отингизни билсак бўладими?

Жувон жим.

— Нима бало оғзингизга талқон солиб олганмисиз, сиздан отингизни сўраяпман?

— Отини нима қиласан? — деди асабийлашган ҳолатда бояги жувон билан орқа-олдин машинага чиққан қорачадан келган йигит.

— Ака, мошхўрдага қатиқ бўлмай сиз индамай кетавермайсизми, — деди унга жавобан «ҳожатбарор».

— Аблаҳ, нима деяпсан. Бу аёл менинг хотинимку. Қани ўрнингдан бир турворчи, — «ҳожатбарор»нинг ёқасига ёпишди йигит.

— Кечирасиз, акажон, бу опам сизга қарашли эканини мен билмабман, — йигитнинг важоҳатидан қўрқиб узр сўраган бўлди «ҳожатбарор».

Аммо вақт ўтган эди. Жувоннинг «қўйинг адаси» деб ялиниб-ёлворишига қарамай, унинг эри «ҳожатбарор»ни ёқасидан тутиб, бир-икки бор лунжига мушт туширди.

Навбатдаги бекатда «ҳожатбарор» йигитнинг қўлидан аранг қутулиб, қочиб-қувиб зўр-базўр троллейбусдан тушиб қолди.

— Ҳали кўрасан, онангни кўрсатмасам сенга хўп юрган эканман йигит бўлиб, — дея қонга беланган лаб-лунжини артиб, дағдаға қилди «ҳожатбарор».

— Сичқоннинг ини минг танга бўлди, — деди воқеани кузата туриб йўловчилардан бири.

Салонда дув кулги кўтарилди.

## БЕКАТЛАРДАГИ ҲОЛАТ

Тошкент бекатлари фусункор, уларнинг таърифига тил ожиз. Айниқса кейинги йилларда ўнлаб-юзлаб замонавий кўркам бекатлар тикланди. Улар марказий кўчаларимизда савлат тўкиб турибди. Лекин қуруқ савлат билан иш битмас эканда. Улардаги тартиб ҳам шунга яраша бўлса яхши экан. Нега бундай деяётганимизнинг боиси бор. Бекатлар кўринишидан ҳар қанча дабдабали бўлмасин, уларнинг теварак-атрофи қаровсиз, ифлос бўлса худди қимматбаҳо матодан янги костюм-шим кийган одам оёғига эски чориқ судраб олгани каби ғалати кўринаркан. Шундай экан, албатта басавлат бекатга ҳар томонлама чирой ярашади. Унга бундай чиройни эса албатта ободонлаштирувчилар, фаррошлар бахш этади. Лекин, биз йўловчиларнинг ҳам бекатларнинг батартиб ёки тартибсиз кўринишига эга бўлишида анча-мунча ҳиссамиз борлигини унутмаслигимиз лозим.

Мисолларга мурожаат қилайлик. Тошкент куранти яқинидаги бекатда бўлсангиз баҳри-дилингиз очилади. Негаки, бу ер ҳамиша тоза, озода. Чор-атрофга ахлат ташлаш мосламалари қўйилган. Бекатда турган кишилар қўлларидаги папирос қолдиқлари, музқаймоқ қоғозларини унга ташлашади. Чунки атрофинг озода, саранжом-саришта бўлса уни ифлослантиришга ҳеч кимнинг журъати етмас эканда. Лекин ундан нари борса 50-100 метр узоқроқда жойлашган яъни эски Тарих музейининг рўпарасидаги автобуслар тўхташ жойига келсангиз, бутунлай бошқа манзарани кўрасиз. Тўғри, бу ерда ҳам ахлат ташлаш мосламалари етарли. Лекин кўпчилик йўловчилар улардан унчалик фойдаланишни ўзларига эп кўришмайди. Чунки чиллаки чиллакини кўриб чумак уради-да, қачонки ёнингдаги ҳамроҳинг қўлидаги ортиқча матоҳларни дуч келган жойга улоқтириб турганда сен ҳам ундан «ибрат» оларкансан. Шундоққина оёқ ости турганда ўзингни уринтириб ахлат мосламасини қидириб юришни ўзингга эп кўрмас экансан.

Энг ёмони бу ерда пистахўрларни кўпроқ учратасиз. Улар бемалол ёнидаги улфатлари билан суҳбатлаша туриб писта чақиб ўтиришадида, пўчоқларни ҳеч тортинмай дуч келган томонга тупуриб ташлашади. Шўринг қурғур фаррошлар бир томонни тартибга солиб келгунча иккинчи томон ифлосланиб туради. Шу ерда ҳам кўплаб посбонларни ёки бекатга «ин» қурган» савдо шахобчаларини юргизиб турган кишиларни учратасиз. Қизиғи шундаки, ҳеч бўлмаса улар «бекатда тартиб сақлансин» деган гапни айтиб ўша тартиббузарларни огоҳлантиришмаганига ҳайрон қоласан киши.

Биз бу ўринда бир-бирига яқин бўлган иккита бекатни мисол келтирдик, холос. Аслида шаҳримиз бекатларини кезсангиз бунақа яхши-ёмон ҳолатларга кўплаб дуч келасиз.

*Бу — қизиқ*

## МИТТИ КАРКИДОН

***Биз каркидонларни баҳайбат ҳайвонлар сифатида тасаввур қилиб ўрганиб қолганмиз. Лекин аслида уларнинг оилаларида миттилари ҳам бўлади. Булар пакана каркидонлар дейилади. Улар ўзларининг «каркидон» уруғларидан ҳам кўра кичикроқ ёввойи қўнғизларни эслатади. Пакана каркидонлар ҳақиқий каркидонлардан 10 марта кичик, бўйи 1,5 метр.***

Митти каркидонларнинг борлиги 1911 йилда аниқланди. Улар йўқолиб бораётган ноёб жонивордир. Миттивойларни айрим европаликлар сокин оқувчи дарё қирғоқларидаги тропик ўрмонларда кўришган. Миттилар Нигериянинг қуйи қисмида тарқалган. Улар «Қизил китоб»га ҳам киритилган.

## ЧАШМА ВА ЎРГИМЧАК

***Қоя ёқасига ўтган тулкини кўриб, йўлини кесиб чиқай, деган ўйда чапга бурилдим. Айланиб чиққунимча тулкидан ному нишон қолмади. Аттанг, деб яна каклик излашга тушдим. Овга қизиқиб кетганимдан сувга сероб Ақчачойдан узоқлашиб, қандайдир қоялар орасига тушиб қолибман. Тоққа овга борганда, албатта сувдонни қуюқ памил ёки кўк чой билан тўлдириб олиш керак. Агар бир-иккита анор олинса, ундан ҳам соз нордонгина шарбат чанқоқни яхши босади.***

Орқага қайтар эканман, наҳотки йўлимда биронта ҳам чашма учрамаса деб атрофни кўздан кечирдим. Ўнг томонимдаги пастликдаги тоғолчага кўзим тушди. Олча тагида қуриган арикчанинг изи бор экан: қирғоқларини ўт босган, баҳор ва ёз кунларида бу ариқда сув бўлгану, ҳозир эса қуриб қолган. Демак, ариқнинг бошида бирорта чашма бўлиши керак... Бор экан. Суви кичкина чуқурчага жилдираб оқиб турибди. Бир амаллаб ичарман деб эгилиб, чашма юзи ўргимчак тўрлари билан қопланганини кўрдим. Тўрга сон-саноқсиз ҳашаротлар, ҳатто иккита оқ капалак ва ниначи ҳам илинган экан.

Қаранг-а, ҳашаротлар бир томчи сув учун ўзларини ажал чангалига уриб ҳалок бўлибдилар-а!! Бундан кейин келадиган ҳашаротларнинг ҳам тақдирлари аён.

Ҳа, сув қанчалар азиз эканини яна бир карра ҳис қилдим. Чидаб туролмадим, ердан новда олиб, тўрни йиртиб-йиртиб ташладим.



# ДИҚҚАТ, АУКЦИОН!

## ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ ҲУЗУРИДАГИ «POYTAXT AUKSION» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ 2004 ЙИЛНИНГ 22,24,29 ИЮНЬ, 1,3,8,11,15,18,22,25,29 ИЮЛЬ КУНЛАРИ АУКЦИОН САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

***Савдоларга Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Паркент кўчаси, 74-уйда жойлашган «Parkent ixtisoslashgan bozori» ОАЖ ҳудудида янги қуриладиган қуйидаги турдаги турғун савдо дўконларини қуриш ҳуқуқи қўйилади.***

| Савдога чиқарилган объектлар сони | Қурилиши мўлжалланган мажмуа тури | Объектнинг сатҳи (кв.м.) | Бошланғич нархи, сўм |
|---|---|---|---|
| 1 та | Ноозиқ-овқат буюмлари дўкони | 9 (3х3) | 2 000 000 |
| 4 та | Қурилиш моллари дўкони | 36 (6х6) | 3 500 000 |
| 100 та | Лок ва бўёқ дўкони | 9 (3х3) | 2 000 000 |

Савдоларда ҳуқуқий ва жисмоний шахслар қатнашишлари мумкин. Савдолар соат 11-00 да бошланади.

Аукцион савдоларида аризалар Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси биносида қабул қилинади. Аризалар қабул қилиш савдо ўтказиладиган кундан бир кун илгари соат 18-00да тўхтатилади.

Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 5 фоизи миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонасининг «Ўзуйжойжамғармабанк»нинг Тошкент шаҳар бўлимидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Савдо «Parkent ixtisoslashgan bozori» ОАЖ ҳудудида ўтказилади.

Турғун савдо дўкони қуриш ҳуқуқини қўлга киритган савдо ғолибларига қуйидаги мажбуриятлар юкланади:

- аукцион савдолари ўтказилган куни савдо натижаси тўғрисидаги якуний баённома ва 10 (ўн) кун муддат ичида қуриш ҳуқуқи олди-сотди шартномасини имзолаш;
- савдо объекти қуришни ўз ҳисобидан ягона буюртмачи билан тузилган шартнома асосида амалга ошириш;
- бозор маъмурияти билан тузилган шартнома асосида коммунал хизматлар ва ер участкаси ижараси учун ҳақ тўлаш.

**Савдоларда қатнашиш тартиби ва шартлари бўйича қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:**
**Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Моваруннаҳр кўчаси, 16 «а»-уй, 204-хона.**
**Телефонлар: 133-23-40; 133-02-49.**

## «Меҳрли савдо» давлат корхонаси 2004 йилнинг III чорагида қуйидаги озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилиш учун тендер савдолари ўтказилишини маълум қилади:

— шакар;
— сарёғ;
— музлатилган I тоифали мол гўшти.

Тендер таклифларини қабул қилиш ва тендер ҳужжатларини бериш ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қуйидаги манзил бўйича амалга оширилади:

Тошкент шаҳри, 700000, Мирзо Улуғбек тумани, А.Икромов кўчаси, 27. Телефонлар: 137-14-59, 137-45-15, факс 137-14-92.

Таклифларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2004 йил 17 июнь, соат 17.00 гача.

Танлов асосида қуйидагиларни харид қиламиз:

— Ҳар хил турдаги дуккаклилар, жумладан:
гуруч, нўхот, перловка, гречка, сўк, ловия, мош;
— қишлоқ хўжалик маҳсулотлари;
— ўсимлик мойларили балиқ консервалаш;
— мева ва сабзавот консервалари.

## ДИҚҚАТ, НАЗОРАТ!

**Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар диққатига!**

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда.

Сизнинг корхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларни қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингизни сўраймиз:

**133-15-32, 139-05-57, 55-67-42, 55-19-73**

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимига тегишли I-TN серияли 0006518 рақамли туғилганлик ҳақидаги гербли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети томонидан 2001 йилда Турсунов Баходир Саидахмедович номига берилган В № 022931 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

SONY-54, кумушсимон стерео 200 у.е, SONY-63, кумушсимон стерео 300 у.е Янги телевизорлари сотилади. Тел: 22-98-05

## «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.**
**Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.**
**Факс: (3712) 133-29-09.**
**Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 204-хона.**

## «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

газеталари таҳририяти реклама агентларини ишга қабул қилади.
Маълумотлар учун телефон: 133-28-95

## «02»: ҲОДИСАЛАР

● Яккасарой тумани ҳудудида жойлашган Кушбеги кўчасидаги «Тўқимачилик» корхонаси деворидан ошиб тушиб умумий нархи 133 032 сўмлик калава ипларни ўғирлаб кетаётган вақтда ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинган А.Фармон деган йигитнинг ҳам эндиликда юзи шувут.

Қашқадарё вилоятида яшовчи бу шахс ўйламай-нетмай ушбу жиноятга қўл урганлиги учун қонун олдида албатта жавоб беради.

● Сергели тумани ИИБ навбатчилик қисмига Дўстлик-1 мазесида жойлашган 6-уйнинг 81-хонадонида ўғирлик жинояти содир этилганлиги тўғрисида хабар келди. Фуқаро И.Убайдуллаев яшайдиган манзилга қисқа фурсатлар оралиғида етиб келган тезкор-тергов гуруҳи вакиллари томонидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида ўғри аниқланиб, унинг қўлларига кишан тақилди. Маълум бўлишича, ушбу мавзеда яшовчи, муқаддам судланган бўлишига қарамай, ҳанузгача бирор фойдали касбнинг этагидан тутмаган Г.Игнать бировнинг хонадони эшик қулфини бузиш билан жабрланувчига тегишли 2 дона магнитофон, «Кибо» русумли радио, бир дона камзул, битта жинси шим ва пулларини ўмариб кетган.

● Юнусобод туманида яшовчи Х.Аброр деган йигит ҳам кўпчилик қатори ҳалол меҳнат қилиб кун кечириш ўрнига, ўйламай-нетмай қинғир ишга қўл уриб қўйди. У миясига ўрнашиб қолган ушбу қалтис режасини амалга ошириш илинжида О.Зокиров кўчасида жойлашган А.Сирожиддиновнинг хонадони томон йўл олди ва уй эгасининг йўқлигидан фойдаланиб, нархи 200 000 сўмлик чарм камзулини ўғирлаб кетди. Аммо бу ўғрига ҳам ўлжаси барака олиб келмади.

● Чилонзор тумани ҳудудида жойлашган Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида сайр этиб юрган Чилонзор тумани, 3-мавзе, 12- уйда истиқомат қилувчи фуқаро Д.Тўраеванинг бўйнидан тилла занжирини юлиб олиб, қочиб кетаётган номаълум кимса ашёвий далил билан милиция ходимларининг қўлига тушди. Аниқланишича, Тошкент вилоятининг Зангиота туманида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган О.Ғайбулло исмли йигитча энди содир этган ушбу ножўя ҳаракати учун жавоб бермокда.

**Самариддин ХАЛИЛОВ,**
**Тошкент шаҳри ИИБ**
**Матбуот маркази**
**инспектори.**

# ТЕЛЕВИЗОР КЎРИБ ТУРИБСИЗМИ?

**Ҳажвия**

— Салом, яхшимисиз?

Автобус бекатида турган тиллақўнғизнусха куртка, бошига ондатра терисидан ясалган қалпоқ қўндириб олган Гулжаҳон «ялт» этиб, ўша томонга қаради.

— Танимайроқ турибсиз, шекилли, — мийиғида кулиб қўйди нотаниш йигит.

— Ҳа, — деди Гулжаҳон пинагини бузмай.

— Эслатишим мумкин. Телевизор кўриб турибсизми?

— Ҳа, кўриб турибман, нега кўрмас эканман?! — деди пайдо бўлиб қолган бесаранжомлигини яширолмай: «Ия, телевизорга чиқиб турар экан-да?! Ким бўлди экан? Наҳотки, телевизорда чиқадиган одам билан рўпарама-рўпара турган бўлсам!»

Йигитнинг сабри чидамай саволини қайтарди:

— Телевизор кўриб турибсизми, Гулжаҳон?

— Ҳа, — қиз дудуқланаёзди, — кўрмас эканман...

«Вой, отимни биларкан?! Телевизор кўриб турибсизми, деб роса уялтириб юборди-ку! Бўлди, бу ҳалиги чиройли диктор йигит, оти нима эди-я?! Ҳа, топдим? Йўқ... у эмас! Бурни уникидан чиройли экан. Ўша бўлса-я, тағин. Айтмоқчи, у билан таниш эмасману, мени қаёқдан танийди? Телевизорга ҳаммани ҳам чиқаравеpишмайди! Яна бу йигит ўз оғзи билан гуллаб қўйди. Ўзидан сўраш уят! Мени танимас экан деб, хафа бўлмайдими? Хафа бўлади!»

Тубсиз хаёллар оғушига чўмган Гулжаҳоннинг кўз олдида кетма-кет келиб тўхтаган икки автобус ўтиб ҳам кетдики, у ҳамон калаванинг учини топа олмай ҳалак эди.

Ноилож қолган Гулжаҳон ноз-карашма қилиб сўради:

— Фамилиянгиз нимайди, ёдимдан кўтарилганини қаранг?

Нотаниш йигит Гулжаҳоннинг қўлларини аста кафтларига олганда устидан бир челак сув шаррос тўкилиб кетгандек, этлари жимирлаб кетди. Сўнг қўлларини аллақандай ғайритабиий нозланиш билан суғуриб олди.

— Йўқ, акангиз мени исмим билан чақирарди.

Гулжаҳоннинг вужудини бирдан ҳаяжон аралаш ваҳима босди: «Акам билан таниш...»

Дилидаги эҳтирослари беихтиёр тилига тушиб:

— Нега бу ерда туриб қолдик? Балки четроққа... —деб юриб, помидордай қипқизариб кетди.

Нотаниш йигит кўчадан «учиб» келаётган қоп-қора «Волга»га қўл кўтарди:

— Марҳамат, шаҳар айлантираман, зора, эсингизга тушсам?..

Гулжаҳон ҳамон ширин орзулар қуршовида эди.

— Тополмадингиз-а, — жилмайди бояги таниш йигит қизнинг лабларига лабларини яқинлаштираркан ғурурланиб, — исмим Камол!

Гулжаҳон оёғи остидаги чаманзор ўрнида, зах ертўлага мункиб кетгандек бўлди: «Бу йигит... Тунов куни акам бошлаб келган телемеханик эмасми? Пияниста! Худди ўша! Акам уни маст ҳолда зўрға машинага ўтказиб юборганди. Телевизоримизни-ку аранг тузатган. Мен бўлсам, у шилқимни танимай ўтирибмана?»

Камол Гулжаҳоннинг белига қўлини солди... кейин яна тегина бошлади. Ўт олган хасдай тутақиб кетган Гулжаҳон жон ҳолатда машина ўриндиғида типирчилаб, бақириб юборди.

— Қўлингни ол, ифлос!

**Зоир ТУРСУНОВ**

*Табиат ажойиботлари*

# АСАЛ ДАРАКЧИСИ

***Асал даракчиси номли қуш чумчуқдан каттароқ бўлиб, ўрмонда яшайди. Кўп турлари ҳашаротлар билан, баъзи турлари асалари личинкалари ва муми билан озиқланади.***

Улар ўз тухумини бошқа қушларнинг инларига қўяди. Буни қарангки, онаси дангаса бўлганига яраша тухумдан чиққан болаларининг зўравонлиги ундан ошиб тушади. Улар тухумдан чиққач, қайрилган ўткир тумшуғи билан ўгай биродарларини чўқиб ўлдиради ёки ташқарига ташлаб юборади. Қарабсизки, орадан 5-6 кун ўтгач, бир ўзи ўгай она тарбиясида қолади ва ёлғиз ўзи яйраб ўсади. Ўзига хос иккинчи хусусияти — ўрмонда юрган кишиларга ёки жониворларга ёввойи асалари бор ерни кўрсатади, бунда улар товуш чиқариб, одамлар ёки бошқа асалхўр жониворларни эргаштириб боради, баъзан хонаки асаларилар инини ҳам кўрсатади. Анча вақтгача одамлар бу қушни асал билан озиқланса керак деган тушунчада эдилар. Аммо, бу қушларнинг асал билан эмас балки, унинг муми билан озиқланиши аниқланди. Қизиғи шундаки, умуртқали жониворлар орасида фақат асал даракчисигина мумни ҳазм қила олади. Бу эса мазкур қушнинг ўзига хос учинчи хусусиятидир. Африка ва Индонезиядаги маҳаллий халқ бу қушдан асал тўплаш мақсадида фойдаланадилар.

Қушнинг териси қалин бўлгани туфайли унга асаларининг чақиши таъсир этмайди. Бу қуш ўзининг хатти-ҳаракати ва чириллаши билан ўрмонда юрган одам ва асалхўр жониворларнинг диққатини ўзига тортади ва ёввойи асаларилар уясига бошлаб боради. Унинг номи ҳам ана шундан келиб чиққан. Асал даракчисининг ўзига хос томонлари бор. Жумладан, улар авлод қолдириш учун ин қуриш юмушлари билан шуғулланмайди ва тухумини босиб ётмайди, бир сўз билан айтганда насл учун қайғуриш ҳислати умуман йўқ деса ҳам бўлади.

**Яхё ДАВЛАТОВ,**
**биология**
**фанлари доктори.**

*Бўш вақтингизда*

# «Ф» ҲАРФЛИ АЙЛАНМА КРОССВОРД



**Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида:** 1. Мамнунлик ҳисси, ғурур. 2. «Самовий ҳаракатлар ҳақида китоб» асарини ёзиб қолдирган фалакиёт ва риёзиёт олими, ватандошимиз. 3. Алишер Навоийнинг яна бир тахаллуси. 4. Марс сайёрасининг йўлдоши. 5. АҚШ автомобили маркаси. 6. Марказий Осиёдаги водий. 7. Маятник ихтирочиси, француз физиги. 8. XVI асрда яшаб ижод этган озарбойжон мумтоз шоири. 9. Ўткир ҳидли оч сариқ рангли газ, тирик организм таркибига кирувчи модда. 10. Француз адиби. 11. Спорт мусобақасидаги ҳал қилувчи ўйин. 12. Тилшунослик фани соҳаси. 13. Эроннинг жанубий ҳудудидаги тарихий вилоят. 14. Минерал ўғит ишлаб чиқариш ашёси. 15. Савдо ёки саноат бирлашмаси. 16. Бирор мамлакатга мансуб ўсимликлар мажмуи. 17. Миқдорнинг юздан бир ҳиссаси. 18. Кимёвий жараёнларнинг белги ва ишораларидаги ифодаси. 19. Миср пул бирлиги. 20. Инсондаги ижобий ҳислат. 21. Тушунча, онг. 22. Ёритқич тури. 23. Изтироб туфайли юзага келувчи нола. 24. Ёғоч қириндисидан олинадиган органик суюқлик, кимё саноати ашёси.

## МУАММОНОМА

**Очқич сўзлар:** 1. Ўзбек мумтоз, ғазалнавис шоири — 9, 1, 8, 4, 1, 13.

2. Аҳолиси энг кўп мамлакат — 18, 2, 6, 7, 20.

3. Ҳаёт учун зарур манбалардан бири — 15, 10, 11.

4. Тоғликнинг тик чўққиси — 21, 7, 17.

5. Ахборот агентлиги — 14, 1, 16, 7, 3.

6. Пазандалик анжоми— 12, 5, 1, 19.

Энди шакл маркази ва атрофидаги рақамларни очқич жавобларидаги ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг. Бунда икки мисра ҳикматли сўз, шакл атрофига унинг муаллифи бўлган ўзбек шоири исмини билиб оласиз.

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ.**

### ГАЗЕТАНИНГ ШУ ЙИЛ 15 МАЙ СОНИДА БЕРИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

**Энига:** 5. Кураш. 6. Майиз. 10. «Челси». 13. Саидов. 15. Обида. 17. Елмоя. 21. Муртак. 23. Метеор. 25. Милод. 27. Қоғоз. 28. Банан.

**Бўйига:** 2. Балчиқ. 3. Радиус. 7. Ҳашар. 8. Олима. 9. «Чинор». 12. Робот. 14. Иноят. 18. Кумуш. 19. Рояль. 20. Ҳомий. 22. Камрон. 23. Мадрас.

**Ёйлар бўйича:** 1. Пудрат. 4. Мискин. 24. Мунчоқ. 26. Нитрат.

**Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида:** 16. Параметр.

**Муаммонома**

**Очқич сўзлар:** 1. Гилос. 2. Кўн. 3. Соат. 4. Қоя.

**Ҳикмат:** Яқинлик истасанг, кўнгил олгин, кўнгил.




Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 4273 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-607. 1 2 3 4 5 6